



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Коракалпогистон Республикасы "Минтақавий йүлларга буюртмачи хизматы" ДУК директори в.в.б  
Б.Балтабаев

2022 йил "16" ноябрь

Нұкус шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрь кунги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги

ПҚ-408 сонли қарорига асос Республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпогистон Республикасидаги ички йўлларини тўла ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун лойиҳачи ташкилотларнинг таклифларини танлаб олиш бўйича ўtkazilgan ҳарид комиссиясининг 537-сонли йиғилиш

### БАЁННОМАСИ

Йиғилишда Қорақалпогистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКнинг 2022 йил 01 марта 16-сонли буйруғи асосида тасдикланган ҳарид комиссия аъзолари қуидаги таркибда қатнашдилар:

#### Ҳарид комиссияси раиси:

Б.Балтабаев

-Қорақалпогистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК директори в.в.б;

#### Ҳарид комиссияси аъзолари:

Р.Саркытбаев

-Қорақалпогистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" директор ўринбосари;

Т.Жанабаев

-Қорақалпогистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК Лойиҳа таъминоти бўлими бошлиғи;

А.Нуржанов

-Қорақалпогистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК бош ҳисобчиси;

Дж.Хожабаев

-Қорақалпогистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК Техник кузатиш ва бажарилган ишларни қабул қилиш бўлими бошлиғи;

Комиссия котиби;  
И.Мамбетов

-Қорақалпогистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бошлиғи

#### Кун тартибида

I. Кун тартибидаги масала юзасидан - Қорақалпогистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКнинг директори в.в.б- комиссия раиси Б.Балтабаев Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги Давлат ҳаридлар тўғрисидаги 684-сонли Қонунинг 58 моддасига асосан танлаш ўtkaziliши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича ҳарид қилиш хужжатлари давлат буюртмачиси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган

санадан камида беш иш куни Беруний тумани "Дўстлик" ОФИ ҳудудидаги "Ёш куч а/м №1, Ёш куч а/м №2, Ёш куч а/м №3, Муруват а/м №1, Муруват а/м №2, Фидокор №1, Фидокор №2, Фидокор №3, Килчинок №1, Килчинок №2" кучаларини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таерлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш маҳсус ахборот портали орқали **22110012179601** лот билан давлат ҳаридларининг электрон тизимига жойлаштирилди. Ушбу Қонун талабларига биноан Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда жорий, тўла таъмирланиши ва қуриш режалаштирилган ички йул ва кўприклардаги обьектларининг йул қурилишида лаборатория хulosалари ва синов баённомалари учунбажарувчи ташкилотларининг энг яхши таклифларини белгиланган тартибда танланди ва **бошқаҳеш қандай шикоят келиб тушмади.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат ҳаридлар тўғрисидаги Қонун ва юқорида кўрсатилган маълумотларди ҳисобга олиб Ҳарид комиссияси  
**Қарор қиласиди:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКнинг режалаштирилган обьектларининг йул қурилишида лаборатория хulosалари ва синов баённомалари учун танлаш хужжатларида ва танлаш шартлари буйича энг яхши такдим қилган "**Йул лойиха Нукус**" МЧЖ бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.

2. Танлаш орқали голиб булган ташкилот танлаш шартлари асосида шартнома тузишни рад этган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи таклифи бўйича энг яхши бўлган кейинги иштирокчига (резерв) берилади.

З Белгилаб қўйилсинки, энг яхши таклифлар танлаш голиби бўлган ташкилотлар ўз таклифларида кўрсатилган нарҳларда обьектларнинг йул қурилишида лаборатория хulosалари ва синов баённомаларихужжатларини сифатли тартибда таёrlанишига масъул бўлган холдаобъектларни бошлангич нархларини жорий нархларда шакллантириш вазифаси голиб зиммасига юклатилсин. Танлаш ўтказиш бўйича талабгорлар энг яхши таклифларини кўриб чиқиш ҳақидаги йигилиш баёни давлат ҳариди комиссияси аъзолари томонидан очик ҳал қилинди ва тўғри тузилган деб тан олинди.

Хариди комиссияси аъзолари:

 Р.Сарқынбаев

 Т.Жанабаев

 А.Нуржанов

 Дж.Хожабаев

 И.Мамбетов

Комиссия котиби;



# Лойиха-смета ишларини бажариш учун

## №175-сонли ШАРТНОМА

Нукус ш.

“16” 11 2022 йил.

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи “**Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати**” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи в.в.б директор **Б.Балтабаев** ва бундан буён “**Бажарувчи**” деб юритиладиган “**YO’L LOYIHA NUKUS**” МЧЖ номидан устав асосида иш кўрадиган директори **П.Дуйсенов** орқали қўйидаги шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи топширади. Пудратчи эса **Беруний тумани "Дўстлик" ОФИ** худудидаги “**Ёш куч а/м №1, Ёш куч а/м №2, Ёш куч а/м №3, Мурувват а/м №1, Мурувват а/м №2, Фидокор №1, Фидокор №2, Фидокор №3, Килчинок №1, Килчинок №2**” кучаларини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таерлаш ва муалифлик назоратини олиб боришни ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиха-смета ишларини бажариш ва муалифлик назоратини олиб бориш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

### 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси **ҚҚС билан 14 550 000 (Ўн тўрт миллион беш юз еллик минг)** сўмни ташкил киласди.

2.2. Буюртмачи шартномани ғазначиликдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи микдори белгиланган фойз доирасида ушлаб колиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул килиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳак тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) холатлари сабаб бўлгандা;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

### 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вактида бажаришни. Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим киласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳаки ўз вактида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳаки кечиктирилган вактга кадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган кўшимча муддатда, талаб килинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия хисоб-китобларини ўзаро солишириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги хисоб-ракамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳакли.

## **4. Ишларни топшириш ва қабул килиш тартиби**

4.1. Ишлар бажарилишининг алохига босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган хисобот хужжатлари топшириш-қабул килиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул килиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган хисобот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнода ишларни қабул килиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул килиш далолатномасини ёки ишларни қабул кильмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичидаги Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қильмаслик рад жавобини юбормаса, ишларни қабул килинган хисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул килиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қильмаслигининг асосида рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш максадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичидаги уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичидаги ишларни давом эттириш максадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Қорақолпоғисон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро хисоб-китоб килиш вакти хисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталрга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат килиши ёки қабул комиссияси ташкил килиши мумкин.

## **5. Конфиденциал маълумотларни химоялаш**

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал хисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни химоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш максадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

## **7. Кўшимча шартлар**

7.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласида ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулокат йўли билан ҳал килинмаган муаммолар конун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал килинади.

7.3. Лойиха-смета хужжатларига давлат экспертиза хулосаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хулосасига асосан шартнома баҳоси кўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ишларни топшириш ва қабул килиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вактида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустакил равишда жалб килиш хукукига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиккан холларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида хал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбаи томонидан кечикирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар кийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳакли.

7.9. Шартномага куйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиха ишларини аниклаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

## 8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### Буюртмачи

Қорақалпоғистон Республикаси  
“Минтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати” ДУК  
Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй  
ш/х: 301821860354017045203118030  
ИНН 207255036 ОКЭД: 71120  
Молия Вазирлиги газначилиги  
Р/с казн: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014  
ИНН 201122919

В.в.б директор



Б.Балтабаев


 

### Бажарувчи

“YO'L LOYIHA NUKUS” масъулияти  
чекланган жамияти

Манзил: Нукус шахри, А. Темур кўчаси,  
129 а уй  
Тел: 91 389-89-99  
Х/р: 20208000905163546001  
Нукус филиали «Алоқа банк» (АҚБ)  
МФО: 00623      ИНН: 307 032 421  
ОКЭД: 42110

Директор



П.Дуйсенов





## Шартнома баҳосини келишуви

### БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо чекувчилар: Беруний тумани "Дўстлик" ОФЙ худудидаги "Ёш куч а/м №1, Ёш куч а/м №2, Ёш куч а/м №3, Муруват а/м №1, Муруват а/м №2, Фидокор №1, Фидокор №2, Фидокор №3, Килчинок №1, Килчинок №2" кучаларини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таерлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича 2022 йил "16" №175-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 14 550 000 (Ўн тўрт миллион беш юз эллик минг) сўмни ташкил қиласди.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

#### Буюртмачи

##### Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй  
ш/х: 301821860354017045203118030  
ИНН 207255036 ОКЭД:71120  
Молия Вазирлиги газначилиги  
Р/с казн: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014  
ИНН 201122919

#### Бажарувчи

##### “YO'L LOYIHA NUKUS” масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Нукус шаҳри, А. Темур кўчаси,  
129 а уй  
Тел: 91 389-89-99  
Х/р: 20208000905163546001  
Нукус филиали «Алоқа банк» (АҚБ)  
МФО: 00623 ИНН: 307 032 421  
ОКЭД: 42110

В.в.б директор  Б.Балтабаев



Директор  П.Дуйсенов





2022 йил 16 11 даги  
№175-сонли шартномага 2-илова

### Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси

I. Иш тури: Корақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги мінтақавий йұлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ва муалифлик назоратини олиб бориш.

II. Буюртмачи: "Корақалпоғистон Республикаси Мінтақавий йұлларга буюртмачи хизматы"  
ДУК.

III. Бажарувчи: "YO'L LOYIHA NUKUS" МЧЖ.

| № | Объектлар номи ва манзили   | Лойиха күввати, км/пм | ҚМИ минг.сүм | ЛСХ минг.сүм      | Бажариш муддати |
|---|---|-----------------------|--------------|-------------------|-----------------|
| 1 | 2   | 3                     | 4            | 5                 | 6               |
| 1 | Беруний тумани "Дүстлик" ОФЙ ҳудудидаги "Ёш күч а/м №1, Ёш күч а/м №2, Ёш күч а/м №3, Муруват а/м №1, Муруват а/м №2, Фидокор №1, Фидокор №2, Фидокор №3, Килчинок №1, Килчинок №2" кучаларини жорий таъмирлаш. |                       |              | 14 550 000        | 10 кун          |
|   | <b>ЖАМИ</b>   |                       |              | <b>14 550 000</b> |                 |

Қайднома бўйича жами: ҚҚС билан 14 550 000 (Ўн тўрт миллион беш юз еллик минг) сўм.

Лойихачи:

Буюртмачи томонидан келишилди:

2022 йил 16 №175-сонли шартномага 3-илова

Корақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги мінтақавий йұлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ва муалифлик назоратини олиб бориш бўйича

### БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

минг.сўм

| № | Бажариладиган ишларнинг номи  | Қиймати           | Бажариш |                   | Молиялаштириш муддати |
|---|---|-------------------|---------|-------------------|-----------------------|
|   |   |                   | муддати | қиймати           |                       |
| 1 | 2   | 3                 | 4       | 5                 | 6                     |
| 1 | Аванс тўлови 30%  |                   |         | 4 365 000         |                       |
| 1 | Беруний тумани "Дүстлик" ОФЙ ҳудудидаги "Ёш күч а/м №1, Ёш күч а/м №2, Ёш күч а/м №3, Муруват а/м №1, Муруват а/м №2, Фидокор №1, Фидокор №2, Фидокор №3, Килчинок №1, Килчинок №2" кучаларини жорий таъмирлаш. | 14 550 000        | 2022 й  | 10 185 000        | Ноябрь                |
|   | <b>ЖАМИ</b>   | <b>14 550 000</b> |         | <b>14 550 000</b> |                       |

Буюртмачи

Бажарувчи

YO'L LOYIHA  
NUKUS

